

УЎТ: 633.51+631.811.1

СУСПЕНЗИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕЪЁРЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ҚУРУҚ МАССА ТЎПЛАШИГА ТАЪСИРИ

Азимова Мадинабону Гуламджановна

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириши агротехнологиялари

илмий-тадқиқот институти қишлоқ хўжалиги фанлари

фалсафа доктори, (DSc) докторант

Тел : (+998909830598)

Аннотация: Ушбу мақолада типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг Гром навида макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни қўллаш меъёрлари ва муддатларини кузги буғдой қуруқ масса тўплашига таъсири аниқланган.

Калит сўзлар : кузги буғдой, суспензия, макро ва микроэлементли ўғитлар, бошоғ, дон, қуруқ масса.

Адабий маълумотларга кўра ўсимликлар асосан илдиз орқали озик моддаларни минерал (сувда эриган) ҳолатда ўзлаштиради. Баргда эса фотосинтез жараёни кечиб, илдиз орқали ўзлаштирилган минерал моддалар органик моддаларга яъни ўсимлик танасига айланади. Бундан ташқари ўсимлик барг орқали CO_2 газини ютиб, O_2 ни чиқариши ҳаммага маълум.

Шундай экан барг орқали фотосинтез ва газ алмашинуви жараёнлари билан бир қаторда яна маълум миқдорда хелат ҳолатдаги озик моддаларни сингдириши мумкин. Бу ҳолдаги илмий-изланишлар асосан физиология, биохимия фанлари бўйича ўтказилган ва етарли даражада маълумотлар тўпланган.

Таъкидлаш жоизки, барг орқали озиклантиришда макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни турли меъёрлари ва муддатларини кузги буғдойдаги самарадорлигини аниқлаш учун чуқурроқ физиологик таҳлиллар асосидагина хулосага келиш мумкин бўлар эди. Биз изланишларимизда макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни кузги буғдойда қўллаганда ўсимликни ривожланиш даврларида қайси элементга талабчан эканлигини ҳисобга олдик

Тошкент вилояти шароитида дала тажрибаси 2021-2022 йил ПСУЕАИТИ тажриба участкасида ғўза қатор орасига кузги буғдой экилган далаларда олиб борилган. Тажрибада кузги буғдойнинг “Гром” нави экилган. Тажриба 16 та вариантдан иборат бўлиб, 3 ярус, 3 қайтариқда, делянкалар майдони $4,8 \times 30 = 144 \text{ м}^2$ ни, ҳисоблиси -48 м^2 ни ташкил этган.

Тажрибада маъдан ўғитлар билан биргаликда макро ва микроэлементли

ўғитлардан тайёрланган суспензияларни турлари қўлланилди: Ўғитларнинг меъёрлари тажриба тизими асосида (муддат ва турли меъёрларда) қўлланилган

Кузги буғдойни туплаш даврида қўлланилган суспензиялар меъёрини куруқ масса тўплашига таъсири бўйича олинган маълумотларда ҳам ўсиш ва ривожланишидаги қонуниятлар такрорлангани аниқланди.

Кузги буғдойни амал даври охирида вариантлар орасида нисбатан юқорироқ кўрсаткичлар карбамидни (3-вар) 6,0; 8,0; 10,0кг/га меъёрларидан, IFO UAN 32 ни (6-вар) 3,0; 3,5; 4,0 л/га меъёрларидан, IFOCOMBI Fe ни (9-вар) 3,5; 4,0; 4,5 л/га меъёрларидан, IFOMACROMIX ни (12-вар) 3,0; 3,5; 4,0 л/га меъёрларидан, AMINOCAL ни (15-вар) 4,0; 4,5; 5,0 л/га меъёрларидан тайёрланган суспензиялар қўлланилганда олинди.

Назорат вариантимида бир ўсимликни куруқ массаси мутаносиб равишда 7,51 г ни ташкил қилди. Ўсимлик бўлақларини куруқ массаси эса

барча вариантларда бир-бирига деярли яқин бўлди. Нисбатан юқорироқ маълумотлар карбамиддан тайёрланган суспензияни қўллаганимида 1 та ўсимлик бошоғини куруқ массаси (3-вар) 4,8 г ни, поя 3,31; илдиз 0,38 г ни умумийси 8,49 г ни, IFO UAN 32 ни қўллаганимида (6-вар) 1 та ўсимлик бошоғини куруқ массаси 5,5 г ни, поя 3,84; илдиз 0,42 г ни, умумийси 9,76 г ни, IFOCOMBI Fe ни қўллаганимида (9-вар) 1 та ўсимлик бошоғини куруқ массаси 5,7 г ни, поя 3,46; илдиз 0,37 г ни, умумийси 9,53 г ни, IFOMACROMIX ни қўллаганимида (12-вар) 1 та ўсимлик бошоғини куруқ массаси 5,1 г ни, поя 3,70; илдиз 0,48 г ни, умумийси 9,28 г ни, AMINOCAL ни қўллаганимида (15-вар) 1 та ўсимлик бошоғини куруқ массаси 4,7 г ни, поя 3,80; илдиз 0,45 г ни, умумийси 8,95 г ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар эса назоратдан мутаносиб равишда 0,98; 2,25; 2,02; 1,77 ва 1,44 г га юқоридир.

Таъкидлаш жоизки, кузги буғдой ривожланишининг найчалаш ва бошоқлаш даврида қўлланилган суспензияларни меъёрларидан нисбатан юқорироқ (мақбул) кўрсаткичлар олинди. Бу ҳолатни ўсимликни озикага бўлган талабини ортабориши ва бошоқларни катталашиб, барглари ва пояни ҳам қалинлашиб бориши билан боғлаймиз.

Кузги буғдойни туплаш даврида суспензиялар қўлланилганда 1 та ўсимлик куруқ массаси карбамидни 6,0 кг/га қўлланилган (3-вар) меъёрида 1,0 г ни, IFO UAN 32 ни 3,0 л/га (6-вар) қўлланилганда 0,93 г ни, IFOCOMBI Fe ни 3,5 л/га (9-вар) қўлланилганда 0,92 г ни, IFOMACROMIX ни 3,0 л/га (12-вар) қўлланилганда 0,97 г ни, AMINOCAL ни 4,0 л/га (15-вар) қўлланилганда 0,96 г ташкил қилди

1. Кузги буғдой найчалаш даврида суспензиялар қўлланилганда 1 та ўсимлик куруқ массаси карбамидни (3-вар) 8,0 л/га қўлланилган меъёрида 1,8 г ни, IFO UAN 32 ни (6-вар) 3,5 л/га қўлланилганда 1,8 г ни, IFOCOMBI Fe ни (9-

вар) 4,0 л/га қўлланилганда 2,0 г ни, IFOMACROMIX ни (12-вар) 3.5 л/га қўлланилганда 1,9г ни, AMINOCAL ни(15-вар) 4,5л/га қўлланилганда 1,9 г ташкил қилди. Кузги буғдой бошоқлаш даврида суспензиялар қўлланилганда 1 та ўсимлик куруқ массаси карбамидни (3-вар) 10,0 кг/га қўлланилган меъёрида 6,99 г ни, IFO UAN 32 ни (6-вар) 4,0 л/га қўлланилганда 7.17 г ни, IFOCOMBIFe ни (9-вар) 4,5 л/га қўлланилганда 7,29 г ни, IFOMACROMIXни (12-вар) 4.0 л/га қўлланилганда 7.19 г ни, AMINOCAL ни(15-вар) 5,0 л/га қўлланилганда 7,70 г ташкил қилди.

2. Макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларнинг меъёрлари, турлари ва қўллаш муддатларидан қатъий назар, уларни кузги буғдойни ўсиши ва ривожланишига барча кўрсаткичлар бўйича мақбул таъсири борлиги аниқланган. Нисбатан юқори натижалар суспензиялар кузги буғдойга қўлланилганда кузатилиб, ҳамма даврларда ҳам макро ва микроэлементлар асосида тайёрланган суспензияларни таъсири юқори бўлган.

Адабиётлар

1. Ҳ.Юсупов, А.Муратқасимов, Ж.Нишанов. Лалмикор ерларда кузги буғдойни барги орқали озиклантириш. AGRO ILM 4 [54]-SON, 2018, 23-24б.
2. М.М.Собиров, С.Р.Мирсалимова, Р.М.Назирова, С.М.Таджиев Ж.Турғунбоев. Суспензияли комплекс ўғитлар олиш.. Республика илмий ва илмий-техник анжумани материаллари. Фарғона 2017 йил 20-21 апрель 406-407.б
3. Б.М.Азизов, Р.Рўзиметов, Р.Ишчанов, А.Курбанов. Суғориладиган шароитда кечки азотли озиклантиришнинг кузги буғдой сифатига таъсири.” Пахтачиликдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари”. мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами Тошкент, 2009 й. 322-323- б
4. Дадахожаев А.Т., Эркаев А.У., Алиев А.Т., Ким Р.Н. Рекомендации по применению карбамидно-аммиачной селитры (КАС), Ташкент, 2006, 13с